

Йўловчи ташиш хизмати назоратда

Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек транспорт хизматлари сифатини оширишда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда шаҳар ва туманларимизда йўловчи ташиш транспортларининг сони муттасил ортиб бораётганлиги ташувлар сифати ва қонунийлигини назорат қилишга алоҳида эътибор беришни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги 303-сонли қарори бу борадаги ишларни самарали ташкил қилишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Мазкур Қарорга биноан, автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини лицензиясиз амалга оширган шахсларни суд орқали энг кам иш ҳақининг 20 дан 150 баробаригача миқдорда жарима солиш йўли билан маъмурий жавобгарликка тортиш, маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг бир йил мобайнида айнан шундай ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда эса, йўловчи ташиш транспортини ҳуқуқбузарлик воситаси сифатида мусодара қилиш ва айбдорларни қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш белгилаб қўйилган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилояти ИИБ, давлат солиқ бошқармаси ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Бухоро вилоят бошқармаси масъул ходимлари ҳамкорлигида белгиланган тартибда назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Хусусан, ушбу ишчи гуруҳи томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш юзасидан 4346 маротаба рейд тадбирлари ўтказилди. Рейд тадбирларининг барчасида йўловчи ташийдиган автотранспорт воситаларининг техник кўриқдан ўтмаганлиги, фойдаланишга яроқсизлиги, ҳайдовчилар йўловчилар ташиш транспорти бошқариш учун тегишли лицензияга эга бўлмасдан фаолият юритиши каби 495 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди ва 555723,40 млн сўмлик маъмурий жарима қўлланилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида автомобиль транспортида юк ташиш фаолиятини тартибга солиш юзасидан 381 маротаба рейд тадбирлари ўтказилиб, лицензиясиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган фуқароларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилиб, қонунбузарларга нисбатан қонуний жазолар кўрилиши таъминланди.

Албатта, ноқонуний фаолиятга чек қўйишга қаратилган бундай тадбирлар аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, бу борадаги ишларни замон талаби даражасида ташкил этишда муҳим омил саналади. Бинобарин, кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган транспорт хизмати кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган амалий ҳаракатлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати